

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА ТАРБИЯВИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

Куйчиева Замира Унаровна-укитувчи

Хомидов Зокир Джуракулович-укитувчи

Гулистон давлат университетети Санъатшунослик факультети

Аннотация: Мақолада ҳар бир санъат соҳасидаги ўқитувчи-устоз давлат ва халқ олдидаги маъсулиятини яхши англаб олиши, хусусан у келажак авлодни тарбиялай оладиган, касби бўйича етарлича билим бера оладиган мутахассис қилиб тарбиялаши зарурлигини, илмий педагогик маҳорати акс эттирилган.

Калит сўзлар: Педагог, мусиқа, ҳамкор, хор, санъаткор, ҳофиз, устоз, ижро, кўшиқчилик санъати, мерос.

Pedagogical skills in the development of national traditions and educational features

Kuychieva Zamira Unarovna - teacher

Khomidov Zokir Djurakulovich - teacher

Gulistan State University, Faculty of Art History

Annotation: The article reflects the scientific and pedagogical skills of every teacher in the field of art, who must have a good understanding of his responsibilities to the state and the people, in particular, to educate the next generation as professionals who can provide sufficient knowledge in their profession.

Keywords: educator, music, partner, choir, artist, hafiz, teacher, performance, singing art, heritage.

Замонавий устоз бу мусиқа педагогика олий ўқув юртида бўлажак мусиқа ўқитувчиларини педагогик фаолиятига тайёрловчи, ўз касбини пухта эгаллаган, таълим-тарбия ишларини ташкил этувчи, шогирдлар олдида юксак инсоний фазилатга эга бўлган шахс ҳисобланадн.

Ёшлар тарбияси билан шуғуланувчи кишилар ўқитувчи, устозгина бўлиб қолмай, ота-она, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ ва бошқа маъсул кишилар ҳам уларнинг тарбияси билан шуғулланадилар. Устоз-ўқитувчи эса таълим-тарбия ва ўз касби бўйича профессионал билимга эга бўлган инсон бўлиб, у талабаларни ўз касбига қизиқтириб, уларга махсус касбий билим бериш, профессионал йўналиш бера олиш билан ажралиб туради.

Хусусан мусиқа бўйича дарс берувчи устозлар нафақат ўз касбининг усталари бўлиши, балки мусиқа бўйича кенг билим ва тушунчага эга бўлиш педагогика ва психология, сиёсат, маънавият, этика, эстетикадан ҳам пухта билимга эга бўлган инсон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар махсус билимга эга бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатга эга бўлиши ва қолаверса ўз касби бўйича тажрибага эга бўлиши ҳам талаб этилади.

Ҳақиқий устоз ўз билим ва савияси жиҳатидан шогирдларига нисбатан бир-неча қарра устунрок бўлиши лозим ва у шундагина талабаларнинг ҳурматига сазовор бўла оладилар.

Ўқитувчи-устоз давлат ва халқ олдидаги маъсулиятини яхши англаб олиши, хусусан у келажак авлодни тарбиялай оладиган, касби бўйича етарлича билим бера оладиган мутахассис қилиб тарбиялаши зарурлигини унутмаслиги лозим. Зеро, бугунги талабалар эртанги кунда минг-минглаб ўқувчиларга устозлик қиладилар ва айнан улар халқимизнинг порлоқ келажagini таъминловчи шахслар ҳисобланади.

Устоз-ўқитувчининг асосий вазифаси талабаларга ўз “билим ва уқувини сингдиришдан иборат бўлар экан, аввало бу вазифани қай тарзда амалга ошириш лозим деган савол туғилади.

Педагог олимларнинг таъкидлашларича устоз-ўқитувчининг асосий функцияси, яъни олиб борадиган ишининг мазмуни тўрт муҳим вазифани

амалга оширишдан иборат бўлади:

Биринчидан: талабага бериладиган билимнинг йўналишини белгилаб бериш. Бунда билимни тўғридан-тўғри етказиш эмас балки талабанинг билим олишидаги мустақил ҳаракатини тўғри йўналтиришдан иборат бўлиши лозим.

Иккинчидан: бериладиган тарбияни аниқ тушунчалар бериш орқали эмас, балки бу тушунчаларнинг мазмунини талабаларнинг мустақил англаб олишларини таъминлашдан иборат бўлади.

Учинчидан: талабага бериладиган малака ва кўникмаларни, аниқ йўлланма бериш орқалигина эмас, балки маълум машқлар қилдириш, кўрсатмалар бериб, уни бажартириш, яъни талабанинг мустақил ҳаракати орқали амалга ошириш талаб этилади.

Тўртинчидан: талабада маълум билим, кўрсатма ва малакалар орқали ҳосил бўладиган янги хусусиятларнинг шаклланиш жараёнини синчиковлик билан кўрсатиб бориш ва янги хусусиятларнинг шаклланишига эришгунча бўладиган иш жараёнини тўғри йўналтиришга боғлиқ.

Бўлажак мусиқа бакалаврларини мусиқа ўқитувчисининг асосий фаолиятларидан бири бўлган ўқувчиларга ўргатиш жараёнини олдиндан тайёрлаб бориш учун талабаларни ихтисослик фанлари машғулотлари жараёнида тайёрлаб бориш тавсия этилади.

Масалан: Маълум асарни хор жамоасига ўргатиш учун бўлажак хормейстр (яъни дипломат) ўзига катта тайёргарлик кўриб келади. Ҳар бир хор партияси учун алоҳида ноталарни тайёрлайди, ҳар бир овознинг мативини аниқ ўрганиб олади, куйлаш учун қийинчилик туғдириши мумкин бўлган жойларини қайта-қайта такрорлаб билиб олади. Шунинг учун ҳар бир хор партиясига асарни ўрганиш учун зарур бўладиган, «диққат», ижрони давом эттириш ва «тўғрилаш», учун қилинадиган дирижёрлик ҳаракатларини билиб, ўз қўл ҳаракатларимиз уни пишитиб олади. Партияларни куйлашда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни ўз қўл ҳаракатларида аниқ кўрсатиб бериш устида иш олиб боради.

Дарс жараёнида талаба асарни хорга мустақил ўргатишни бошлайди. Устоз эса унинг йўл қўяётган камчиликларни тузатишга ёрдам бериб боради ва бунда талабанинг раҳбарлик ролини камситмасдан кўплик билан иш жараёнига аралашиб хорга ўзи бошқариб кетиш каби холларга йўл қўймаслиги лозим.

Устоз ва шогирд ҳамкорлигидаги дўстона муносабат, иш жараёнида шогирднинг мустақил ишлашини, имконият яратиб бериш талабини, хор билан ишлашида ўргатишда муҳим рол ўйнайди. Асар сўзларида берилган ғояни талабаларга тўғридан-тўғри сингдиришга уринмасдан уни хорга ҳос овоз элементларига соз ансамбль ва пьесаларига таҳлил қилиш зарурияти билан бевосита билиб олиб бориши, уларга берилган тарбияни бевосита эмас балки билвосита амалга ошириш имконини беради.

Устоз ва шогирд ҳамкорлигидаги иш жараёнининг бундай олиб борилиши бўлажак мутахассис талабанинг дирижёрлик касбига бўлган ҳурматини янада ошириб юборади.

Хор жамоаси олдида энди у нўнок уқувсиз талаба сифатида эмас, балки хор раҳбари, қўлидан иш келадиган ўқувчи ва шаклланган мутахассис сифатида ўзини ҳис қила бошлайди.

Хор жамоаси билан ишлаш жараёнида талабани ўз касбига тайёрлаш устоздан ҳам катта профессионал касбий компитентлигини ўқиши талаб қилинади.

Муסיқа ўқитувчиси ҳар доим ўқувчиларининг, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик назоратида ҳамда бошқа фанлар бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг ҳам назоратида бўладилар. Чунки ҳар бир ўқитувчи ўз синфида маълум тадбирни ўтказишни режалаштирар экан, у муסיқа ўқитувчисининг ёрдамидан фойдаланишни ҳам режалаштириб қўяди.

Олий ўқув юрти ўқитувчиси-устоз ўз талабаларини қандай ҳолатларни бошидан ўтказишини олдиндан режалаштирган ҳолда унга ўз фани бўйича юқори даражадаги талабларни қўйиб бориши лозим.

Юқори даражали ўқитувчини тайёрлашда унинг чолғу созида яхши чала

олиши, хор жамоаси билан қийналмасдан ишлай олиш, концерт репертуарини ақл билан танлаб олиши, бой репертуарга эга бўлиши, ҳар бир тадбирни уқув билан ташкил қила олиш талаб этилади. У фақат мусиқа дарсини ўтиш билан шуғулланиб қолмасдан, мактабда бўладиган барча тадбирларда фаол иштирок этишни ҳам режалаштириши лозим.

Олий ўқув юртига, педагог бўлиш мақсадида кираётган абитуриентларнинг ҳаммаси ҳам ўқитувчи бўлишини хоҳлаганликлари ёки ўқитувчилик касбига иқтидори бўлганлиги учун эмас, балки мутлақо касбга алоқадор бўлмаган сабабларни кўрсатишнинг гувоҳи бўлдик.

Хусусан мусиқа йўналишига кириш учун хужжат топширган абитуриентлар билан бир неча йиллар давомида олиб борган суҳбатлар шуни кўрсатдики, уларнинг бу йўналишга тасодифан келиб қолишларига қуйидагилар сабаб бўлганлигини айтишди:

1. Хужжат топширган абитуриентларнинг кам бўлганлиги;
2. Олинадиган имтиҳонлар енгиллиги;
3. Таниш-билишларнинг берган маслахати;
4. Ўзида мусиқага бўлган иштиёқининг кучлилиги;
5. Таваккал қилганлиги ва хоказо;

Бундай абитуриентлар биринчи-иккинчи имтиҳондаёқ ўзларининг мусиқага билими етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Ўқитувчилик касбига бўлган уқув ва қобилиятини аниқлашда бўлажак ўқитувчи олдида қуйиладиган бир қатор талаблар-олимлар томонидан аниқлаб берилган. Бу қобилият йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1.Ташкилотчилик қобилияти ўқитувчининг ўқувчилар жамоасини қовуштира олиш, уларга маълум топшириқлар бера олиш ва уни натижаларини яқунлаб, умумий хулосалар чиқара олишга бўлган уқувнинг мавжудлиги.

1. **Дидактик қобилият** маълум ўқув материалларини тайёрлай олиш ва

танлай олишга бўлган ўқувнинг мавжудлиги. Ўқув материални тушунарли, аниқ, равоон тушунтириб бера олиш. Материалларнинг кетма-кетлиги ва осондан мураккаблашиб бориши асосида танланиши, уларни онгли идрок қилишга имкон яратиб бера олиш.

2. **Переспектив ўқув** тингловчиларни психологик жиҳатдан ўқишга тайёрлай олиш, уларнинг психологик ҳолатларини билиб олиш ва уларда эмоционал, ҳиссий кўтаринкилик ҳосил қила олиш.

3. **Коммуникативлик қобилият** бунда ўқитувчи ўз ўқувчилари билан, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа ва унинг раҳбарлари билан яхши муносабат ўрната олиши назарда тўтилади.

4. **Илмий тадқиқот олиб бора олиш қобилияти** ҳар бир педагогик ҳолат ва жараёни чуқур ҳис қилган ҳолда илмий фикр юрита олиш.

5. **Аналитик таҳлил қила олиш қобилияти** ҳар бир вазиятни қимталаб таҳлил қила олиш ва уларни умумлаштирган ҳолда якуний фикр чиқара олиш.

Устоз ўқитувчи энг аввало бир қатор ижобий сифатларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда уни ўз шогирдларига ҳам сингдириб бера олиш устида тинимсиз иш олиб бориш тавсия қилинади.

Бу ҳислатларга меҳнатсеварлик, меҳнат қилишга ўқувлилик, маъсулятлилик, тарғиб билан иш юрита олиш, аниқ мақсад қўя олиш ва уни амалга ошириш йўллари қидириб топа олиш, ўз малакасини ошириш устида тизимли ва режали иш олиб бора олиш, шу сафатни ошириш устида тинимсиз иш олиб бориш каби ҳислатлар киради.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчининг ички маънавий ҳислатлари юқоридаги вазифаларини беками-кўст битиришга имкон беради.

Бундай ички, ботиний тартиблиликни-инсонийлик, меҳр-оқибатлилик, қўли очиклилик, ҳаққонийлик, ҳақиқатгўйлик, ботартиблилик, инсонларга меҳр-оқибатли бўлиш, ҳайрихоҳлик, ўз асабини жиловлай олиш, ватанпарварлик каби ахлоқий ҳислатларга эга бўлиш ҳам ҳақиқий устознинг

садоқатли бурчи ҳисобланади.

Шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, таълим-тарбияда уч муҳим юксаклик мавжуд бўлиб, бу ўқитувчи устоз ва ўқувчи (шогирд) ўртасидаги мулоқотга асосланади. Бунда ўқитиладиган фаннинг тақдири, унинг ўқувчилар томонидан эъзозланиш устоз-шогирд ўртасидаги муносабатнинг қай даражада ташкил қилинганига боғлиқ бўлади.

Устоз ва шогирд ўртасидаги педогогик жараёнининг сифати кўп жиҳатдан ўқитувчининг педогогик маҳоратига боғлиқ бўлади.

«Бизнинг педогогик ишимизда ҳамма нарсани охир оқибатда маҳорат ҳал қилади,- деб ёзади профессор Ю.П.Азаров-Аммо маҳоратга олиб борадиган йўл ўқитувчи учун ниҳоятда ўзок ва машаққатлидир».

Ўқитувчи педогогик маҳоратга эришиш учун кўп ўқиши, катта билим эгаси бўлиши ўқув ва маҳоратга эга бўлиши лозим.

Бунинг учун ўқитувчи ўқув-тарбиявий иш жараёни технологиясини мукамал билиб олиш ва ундан қийналмасдан фойдалана олиши талаб этилади.

Одатда юксак маҳоратга эга бўлган педагог бўлиш учун алоҳида ўқув ва қобилиятга эга бўлиши зарур. Баъзан, яхши устоз бўлиш учун болалиқдан ўқитувчи бўлиб туғилиш зарур деб эътироф этишади. Ўзбекистонда мусиқий таълим тизимида катта ҳисса қўшган П.Ф.Н. профессор Қ. Мамиров кўп йиллик педагогик ва психологик тадқиқотлари асосида ҳақиқий педагог бўлиб туғилганлар умумий педагогларнинг 12%нигина ташкил қилиши ҳақида ёзади. Қолган ўқитувчилар эса фақат ўзининг кўп йиллик машаққатли меҳнат туфайли педагогик касбига эришганлар деб ҳисоблайдилар

Ўқувчининг педагогик маҳорати энг аввало унинг ўқув жараёнини моҳирона ташкил қила олишда ўз ифодасини топади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчи таълим, тарбия ва билим бера олишни етарли даражада ташкил қила олса уни маҳоратли ўқитувчи деса бўлади.

Иккинчидан маҳоратли ўқитувчи энг янги замонавий методлардан фойдаланиб дарс ўтиши лозим.

Учинчидан талабага берилдиган асосий билимни дарс жараёнида ўтиб бўлиши. қолган вақтда эса талаба ўз устида ишлаб олишга имкон бериши лозим.

Тўртинчидан маҳоратли ўқитувчи ўз талабаларининг ўқувини фаоллаштира олиши, қобилиятини ўстириш, талабанинг фикрини фаоллаштира олиши лозим.

Бешинчидан таълим жараёнида тарбиявий ишларини ҳам муваффақиятли амалга ошира олиши лозим. Ақлий, ахлокий ва эстетик тарбияни амалга ошира олиши талаб этилади.

Юқорида баён этилган талабларни амалга ошириш жараёни устознинг кундалик ҳаётга тайёргарлик кўришини ҳам таъминлай олиши мумкин деб ҳисоблашга имкон беради.

Шунинг учун биз ўз тадқиқот ишимизни самарали бўлиши учун талабаларимизга мавзумиз юзасидан Марғилон ҳофизлик мактаби ҳақида кўйидаги маълумотларни беришга ҳаракат қилдик:

Азал-азалдан Марғилон ҳунармандлар шаҳри яъни, тўқувчи, тикувчи, кандакор, заргар, читкар, косиб ва албатта ҳофизлар юрти эканлиги барчага маълум. Дарҳақиқат ҳар бир юрт ўзининг касбикори ҳамда етиштирадиган маҳсулоти билан доврўғ топади. Хонанда ва ҳофизлар нуқтаи-назаридан бу масалага ёндашадиган бўлсак, Марғилон азал-азалдан ҳофизлар юрти эканлигини гувоҳи бўламиз.

Фарғона водийсида яшаб ижод этган ва энг сара санъаткорлар ном чиқарганларнинг кўпчилиги ҳам айнан Марғилон юрти фарзандларидурлар.

Буни биз тарих зарварақларида битилган ҳамда тарихий баёзларида қолаверса, устоз санъаткорларнинг берган маълумотларига асосланиб идроклашимиз лозим. Албаттга санъат доимо ўз оқимида шаклланиб ривожланиб келган. Ҳар бир намоянда ана шу ривожланиш жараёнига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилган. Бу ёўлда қайсики ҳофиз ўзининг забардастлиги, билимдонлиги, устозлиги ва моҳирлиги билан эл ҳурматини қозонган бўлса, у албатта тарихдан жой олади ва жонли жараён ривожига

Ўзини улушини кўшади. Лекин, бунда ҳар томондан асосий мезон забардастлик ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Педагогика тарихи “Олий ўқув юртлари учун дарслик”, “Шарқ нашриёти” Тошкент шаҳри 2000-йил 10-11-бетлар.
2. Ҳ.Ҳамидий Авестодан “Шоҳномага” Тошкент “Шарқ” 2007 й. 70-бет
3. Авестодан Шоҳномага-Ҳ.Ҳамидий-Тошкент “Шарқ” 2007 й. 220-б.
4. 4.Е.Е.Романовская “Статьм и доклады, записи музыкального фолькори”-Т.1997 стр 179
5. Ризоуддин Бин Фахриддин “Шогирдлик одоби” Т. Устоз нашриёти 2008, 15-бет
6. Ризоуддин Бин Фахриддин ”Шогирдлик одоби” Т. Устоз нашриёти 2008, 16-бет
- 7, 19. Karimov.I.A. Yuksak ma`naviyat-yengilmas kuch.-Т. “Ma`naviyat”, 2008. 61-62-бет
- 8.” И.Ражабов. «Мақомлар масаласига доир». -Т., 1963 йил. 268-бет.
9. Ф.М.Кароматов. «Ўзбек халқ мусикаси мероси». -Т., «Ғ.Ғулом» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978 йил. 7-бет.
10. Отаназар Матёкубов “Мақомот” Тошкент-2004йил 34-бет.
11. Азаров Ю.Т. “Мастерство воспитания”. М.1971г.-19.
12. Т.Алиматов “Соз васфи” Шарқ юлдузи – 1996-1-сон 193 бет.